



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI  
ЎЗБЕКИСТОН TUMANI HOKIMINING

**Q A R O R I**

3 - февраль 2021 y

Yayrap shahri 108 sonli

«Мукумий» ММТП худудида фаолият юритаётган «Нодиржон Орифжон АГРО» номли сабзаводчилик-боғдорчилик йўналишида фойдаланиш учун ажратиб берилган ер майдони давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб ўрнига тош майдалаш ва бетон махсулотлари ишлаб чиқари цехи қуриш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 36-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сон қарори «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 32-моддаси, «Нодиржон Орифжон АГРО» фермер хўжалигига тегишли ер майдони давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан ўрнига бошқа туман захирасидаги ер майдонидан беришни сўраб туман ҳокими номига ёзган аризасини кўриб чиқиб Ўзбекистон Республикаси «Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 6. 25-моддаларига асосан

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :**

1. «Мукумий» ММТП худудидан «Нодиржон Орифжон АГРО» номли сабзаводчилик-боғдорчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил этиш учун ажратиб берилган ер майдонини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан ўрнига тош майдалаш ва бетон махсулотлари ишлаб чиқариш учун туман захирасидаги ер майдонидан ажратиб бериш тўғрисида туман ҳокими номига ёзган аризаси, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг даволатномаси тасдиқлансин.

2. «Мукумий» ММТП худудидаги «Нодиржон Орифжон АГРО» номли сабзаводчилик-боғдорчилик йўналишида фаолият юритиш учун ажратилган худуд қишлоқ хўжалиги харитасининг 523к-контуридаги 10.0 гектар ер майдонини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан ўрнига Мукумий ММТП худудида жойлашган туман захирасидаги 538к-539к-контурларидан жами 1.90 гектар ер майдонлари тош майдалаш ва бетон махсулотларини ишлаб чиқариш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сон қарорига асосан ажратиб берилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Мукумий ММТП худудида фаолият юритаётган «Нодиржон Орифжон АГРО» номли фермер хўжалиги фойдаланишидаги худуд қишлоқ хўжалиги харитасининг 544к-582-584-585-контурларидаги 10.50 га, шундан 3.60 га боғзорлар, 4.70 га суғориладиган бўв

ерлар, 1.30 га бошқа ерлар, 0.40 га ариклар, 0.50 га йўллар ҳамда № 538к-539к-контурларидаги 1.90 га ер майдони жами 12.40 га шундан 3.60 га боғ, 4.70 га суғориладиган бўз ерлар, 3.20 га бошқа ерлар 0.40 га арик зовур, 0.50 га йўллардан иборат ер майдонлари фермер хўжалиги фойдаланишидаги ер майдонлари ҳисоблансин.

4. Кадастр агентлигинг туман бўлими бошлиғи (А.Ражабов)га, туман Статистика бўлими раҳбари (О.Абдуллаев)га, туман Давлат Солик инспекцияси раҳбари (Ж.Кучкорев)га, туман давлат хизматлари маркази директори (М.Джўраев) ларга:

-ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда давлат реестирларига амалдаги тартиблар асосида тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси топширилсин

5. Маскур қарор Халқ депутатлари Ўзбекистон туман кенгашининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман хокими ўринбосари И.Нажмиддинов зиммамга юклатилсин.

Туман хокими:



Қ.Джўраев